

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 33 (9.836)

2003 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР



**Президент Ислам Каримовнинг
2002 йилда мамлакатни ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш
яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий
ислохотларни чуқурлаштиришнинг
асосий йўналишларига бағишланган
Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги
МАЪРУЗАСИ**

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!
Бизнинг бугунги мажлисимиздан асосий мақсад -
2002 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб
қилишдан иборат.

Лекин биз фақат йил яқунларини қўриб чиқиш билан
чекланмасдан, масалага кенгроқ қараб, аввало, иқти-
содиётимизни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқ-
лар, ўтказилаётган ислохотларнинг натижаси ва сама-
раси биз бу борада қабул қилган узоқ истиқболга ва
яқин келажакка мўлжалланган Дастуримизга нечоғли
жавоб бериши ва мос келишига принципиал баҳо бе-
ришимиз зарур.

Ўтган йили иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда куза-
тилган тенденциялар ҳамда мавжуд муаммоларни ана
шундай таҳлил қилиш ва танқидий баҳолаш асосида 2003
жорий йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш-
нинг аниқ йўналишларини белгиллаб олишимиз даркор.

2002 йил яқунларини айнан шу нуқтаи назардан ба-
ҳолаётган эканмиз, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор
қаратиш лозим, деб ўйлайман.

Ўтган йили корхоналарни давлат тасарруфидан чи-
қариш ва акциялаштириш, хусусий секторнинг иқтисо-
диётдаги салмогини янада оширишга қаратилган чора-
тадбирлар изчил давом эттирилди.

2002 йил мобайнида 2 мингга яқин давлат корхона-
си ва объектлари ўз мулк шаклини ўзгартирди, бу ху-
сусийлаштириш дастурида кўзда тутилганидан бир ярим
баробар кўп демакдир.

Давлатга қарашли корхона ва объектларнинг катта-
гина қисми - 1 минг 260 таси тўлиқ хусусий мулкка ай-
лантирилди.

(Давоми 2-бетда)

**17 февраль кuni
Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2002
йилда республикани
ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш яқун-
лари ҳамда 2003 йил-
да иқтисодий исло-
хотларни чуқурлаш-
тиришнинг асосий
йўналишларига ба-
ғишланган мажлиси
бўлди.**

**Мажлисида Ўзбеки-
стон Республикаси
Президенти Ислам
Каримов маъруза
қилди.**



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Давлатимиз раҳбари ўтган йилда иқтисодий ислохотлар-
ни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни
барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил
ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилганли-
гини таъкидлади.

Бунинг натижасида 2002 йил мобайнида икки мингга яқин
давлат корхонаси ва объектлари мулк шаклини ўзгартирди.
Давлатга қарашли корхона ва объектларнинг каттагина қис-
ми - 1 минг 260 таси тўлиқ хусусий мулкка айланганди.
Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль
ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётнинг жадал шаклланаёт-
гани туфайли ўтган йилда 38 мингга яқин микрофирма, кич-
ик ва ўрта корхона тузилиб, уларнинг умумий сонини 240 минг-
тага етди.

Хисобот даврида ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди,
саноат маҳсулотлари — 8,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсу-
лотлари — 6,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
эса 11,8 фоизга кўпайди. Бошоқли дон етиштириш бўйича
энг юқори кўрсаткичга эришилди — 5 миллион 400 минг тон-
налик хирмон бунёд этилди.

Иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми 1 трил-
лион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан 650 миллион АҚШ
долларидан ортиғи хорижий инвестициялардир. Бу соҳада
амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йил даво-
мида 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса,
шундан 15 таси йирик корхона ва ишоотлардир.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча мавбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Республика Олий ҳўжалик суди та-
шаббуси билан Тошкент Давлат юри-
дик институти, Ўзбекистон Миллий уни-
верситети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти
ва дипломатия университетлари оли-
млари иштирокида «Тадбиркорлик
ҳуқуқи» номли икки қисмдан иборат
янги дарслик яратилди. Тошкент Дав-
лат юридик институтида ушбу китобнинг
тақдимот маросими ўтказилди.

• «Бунёдкор» ёшлар телеклубида
«Биоэкосан» республика ёшларининг
ўқув-услубий мажмуаси ва халқро
ЮСАИД ташкилоти ҳамкорлигида сув
ресурсларидан оқилона фойдаланиш
масаласига бағишланган тадбир ўтқа-
зилиб, унинг қатнашчиларига экология
ҳақида ҳикоя қилувчи ижодий роликлар
намоиш этилди, ўқувчилар билими
синоб кўрилди.

• Ислохотлар жараёнида фаол иш-
тирок этаётган, ўқиши, илмий изланиш-
лари билан тенгдошларига ибрат бўла-
ётган республика олий ўқув юртлири-
нинг бир гуруҳ талабалари бу йилги
«Қамолот» стипендиясининг соҳиблари
бўлишди.

• Замоनावий санъат марказида Ўзбе-
кистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдул-
лаев таваллудининг 85 йиллигига ба-
ғишланган «Бизнинг мерос» туркумида-
ги кўргазма ва хотира кечаси ташкил
этилди.

• Жиззахда «Ўзфармсанот» давлат
концерни корхоналарида тайёрланаёт-
ган маҳсулотларнинг тақдимот мароси-
ми ўтказилди.

• Самарқанд вилоят ҳокимлиги то-
монидан Қўшработ тумани халқ таъли-
ми бўлимига 120 миллион сўм миқдо-
рида маблағ ажратилди. Ушбу маблағ
мактаблар синф хоналарини жиҳозлаш
ва компьютерлар сотиб олишга сарф-
ланди.



Жаҳонда

• БМТ қароргоҳида Бирлашган Мил-
латлар Ташкилотининг Саводхонлик ўн
йиллиги бошланганлиги эълон қилин-
ди. У «Саводхонлик, бу — эркинликдир»
шиори остида ўтказилди.

• Узоқ Шарқ ҳарбий округига Жану-
бий Корея ҳарбий делегацияси беш
кунлик ташриф билан келди. Томонлар
икки тарафлама ҳарбий ҳамкорлик ма-
салаларини муҳокама қилдилар.

• Сан-Франциско шаҳрида ҳарбий
ҳаракатларга қарши йирик намоиш
бўлиб ўтди. Америка полициясининг
маълумотларига кўра унда 150 мингга
яқин киши иштирок этган.

• Шу йилнинг март ойида АҚШ Жа-
нубий Корея билан ҳамкорликда ҳар-
бий машқларни ўтказишни режалаш-
тирган. Маълумотларга кўра, мазкур
ҳарбий тадбирлар Шимолий Корея
ядро дастури атрофидаги таназзул
билан боғлиқ эмас.

• Яқшанба кuni Вашингтонда куч-
ли қор ёғиши сабабли аэропортлар,
дўконлар ва музейлар ёпилган. Бу
ерда бир кун ичида 25 сантиметр миқ-
дорда қор ёган.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгариш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. Жумладан, йил давомида 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик жараёнлари бошланди.

Қаътий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди. Аҳоли жон бошига ялпи даромадлар йил давомида 1,4 баробар, реал даромадлар эса 12,6 фоиз ўсди.

Президентимиз йирилганлар эътиборини иқтисодиёт тармоқларида ва иқтисодий соҳадаги ҳал этилмаётган, ислохотлар йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим масалалар ва муаммоларга қаратди.

Иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари ва соҳаларида ислохотлар чаларям амалга оширилмоқда. Давлат мулкни хусусийлаштиришда бир томонлама ва юзак ёндашув ҳоллари учраб турибди. Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмийлаштирилган йўл билан ўтказилаётган. Кўпгина корхоналар бозор шартлоғлари ва талабларида сустанлик билан мослашмоқда. Капитал қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган.

Мажлисида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ва уларни амалга оширишдаги мавжуд нуқсонларни бартафат этиш, ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари атрофида кўриб чиқилди. Мамлакатимиз раҳбари бу жабҳалардаги хато ва камчиликларга батафсил тўхтади.

Ислом Каримов ички бозорни сифатли, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш қониқарсиз таъминланаётгани хусусида тўхталар экан, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилгани, товарларнинг республика бозорларида ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларида тўла барҳам берилмаганини танқид қилди.

Мажлисида Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини, «Обод маҳалла йили» ва бошқа давлат дастурларини изчил амалга ошириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. Юртбошимиз кадрларни профессионал жиҳатдан ўстириш тизимини яратиш ҳақида сўзлаш асосида ҳодимга лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўлаш тизимини яратиш зарурлиги хусусида тўхтади.

Президентимиз ўтган йилда барча жабҳаларда эришилган ютуқлар яғна ва аҳил оила бўлиб яшашган мамлакатимиз халқи, ватанпарвар ва фидойи ҳамюртларимиз меҳнати самараси эканини, бу эса танлаган йўлимиз нечоғли тўғрилигини яна бир бор далолат беришини қайд этди.

Қўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов, Давлат мулки қўмитаси раиси М.Аскарров, «Ўзماشсаноат» уюшмаси раиси М.Набиев, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси Г.Саидова, Хоразм виллояти ҳокими И.Бобожонов ва Самарқанд виллояти ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

ИСЛОХОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари жисмоний шахслар томонидан 2001 йилга нисбатан 2,6 марта кўп сотиб олинди.

Мулк шаклини ўзгаришга давлат корхоналари орасида «Электркимё-саноат», «Навоийазот», «Аммофос», «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент ва Фарғона иссиқлик электр марказлари, Сирдарё ГРЭСи, юк вагонларини таъмирлаш заводи, йўловчи ташийдиган вагонларни таъмирлаш корхонаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати сингари стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналар бор.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шакланмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, уларни рўйхатга олиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, энг муҳими, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берди.

2002 йилда 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 240 мингга етди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 370 мингга янги иш ўринлари очилди. Бу прогноз кўрсатиқларидан бир ярим баробар кўп.

Хозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 73,3 фоизи, саноат маҳсулотларининг 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишининг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи хусусий тармоқда яратилмоқда.

Буларнинг барчаси тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган тўғри ўзгаришларнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ.

Юридик шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ставкалари 26 фоиздан 24 фоизга пасайтирилди. Кичик ва ўрта бизнес, савдо ва умумий оқатланшиш корхоналарини солиққа тортиш тизими соддалаштирилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ борасида бир қатор имтиёзлар берилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтирилмаган маблағларнинг давлат томонидан меъёрга солиниши бекор қилинди.

Барча хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банклариданги ўз ҳисоб рақамларидан ўзлари топширган нақд пул тушуми миқдоридан талаб қилинган вақтда нақд пул олиш ҳуқуқи берилди.

Корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозоридан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада эркинлаштирилди, лицензиялар бериш тартибга солинди, юридик шахслар учун конвертация ва хорижий валютани сотиб олиш тартиби анча соддалаштирилди.

Хўраматли дўстлар!
Ўтган йил мобайнида иқтисодиётнинг бошқаришни янада эркинлаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Давлат бошқарув органлари ва тармоқ вазирликларини бозор иқтисодиёти талабларига кўпроқ жавоб берадиган тузилмаларга айлантириш борасидаги ишлар давом эттирилди.
Хусусан, Фан ва техника давлат

қўмитаси тугатилиб, Фан ва технологиялар марказига, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги эса агентликка айлантирилди. Шунингдек, Давлат матбуот қўмитаси ҳам агентликка айлантирилди, унинг мақоми ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Жаҳон бозорида шаклланаётган нарх-наво конъюктурасидан келиб чиққан ҳадда, мамлакатимизда тайёрланаётган пахта хомашёси, пахта толаси ва галла каби муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нарх белгилашнинг замонавий тизими жорий этилди.

Ташки иқтисодий фаолиятни бошқариш эркинлаштирилмоқда ва халқаро андозаларга мос ҳолга келтирилмоқда. Бу мақсадда четдан келтирилаётган маҳсулотлар учун олинадиган боғжона тўловлари унификация қилинди, импортга оид шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Республика ҳудудига олиб кирилаётган товарларни мажбурий равишда сертифицициялаш тизими, шунингдек, Жаҳон божхона ташкилоти талабларига жавоб берадиган меъёр ва стандартлар жорий этилди.

Давлат ва назорат қилувчи идоралар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашини ҳоллари камайиб бормоқда.

Бу ўринда хўжалик юритувчи субъектларни ноқонуний текширишлар сони кескин камайганини айтиб ўтмоқ лозим. Агар 2001 йилда тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш бўйича 1 минг 450 та ҳолат аниқланган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони 157 тани ташкил этди.

Айни вақтда адлия ва прокуратура органларининг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли тадбиркорлар фаолияти ноқонуний аралашини билан боғлиқ 1 минг 30 та ҳолат аниқланди. Улар бўйича 13 та жиноят иши қўзғатилди, 88 та маъмурий қонунбузарлик ҳолати қайд этилди, шунингдек, бундай шахсларга нисбатан бошқа таъсир чоралари ҳам қўлланди.

2002 йил мобайнида адлия идоралари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга умумий қиймати 14 миллиард сўм миқдоридан 8 мингдан ортқ даъво аризаси киритилди. 2 минг 300 мансабдор шахсга нисбатан интизонони қора қурилди. Улардан 290 нафари эгallaб турган лавозимидан бўшатилади.

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришга қаратилган **бозор инфратузилмаси институтларининг** ривожланиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап биринчи галда **молия ва банк тузилмаларини, суғурта, консалтинг ва лизинг компанияларини ривожлантириш** ҳақида бормоқда. Банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш нафақат банклар сонининг ортишига, шу билан бирга, хусусий банкларнинг ҳам қўйилишига туртки берди.

Лекин, энг муҳими, тижорат банкларининг барқарорлиги ва имкониятлари мустаҳкамланди. Ўтган ҳисобот йилида тижорат банкларининг ялпи капитали 43 фоизга, уларнинг ялпи активлари ҳажми эса - учдан бир баробарга ўсди. Аҳолининг тижорат банкларига қўйган омонатлари 2002 йилда 86 фоизга ортиб, 170 миллиард сўмга етди. Банкларни улар бевосита хизмат кўрсатадиган мижозларга яқинлаштириш мақсадида барча вилоят ва туманларда минибанклар тармоғи барпо этилмоқда. Бугунги кунда 530 та ана шундай банк очилган бўлиб, биргина ўтган йилнинг ўзида уларнинг сони деярли икки баравар қўпайди.

Биз тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларидаги ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ло-

зим. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 2002 йилда 30 фоизга ортди ва қарийб 265 миллиард сўмни ташкил этди.

Кейинги йилларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осий тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг 450 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ресурслари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. Шу кунга қадар бу кредитлардан 345 миллион 800 минг АҚШ доллари ўзлаштирилган бўлса, шунинг 87 миллион доллари биргина 2002 йилга тўғри келади. Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири - тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимовли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Хозирги вақтда бу соҳада 28 та компания иш юритмоқда, улар мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортқ суғурта хизмати ни тақдир этмоқда.

Биз янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва технологиялар сотиб олишига имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқчимиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9 та тижорат банки ва 6 та иқтисослашган компания лизинг операцияларини ўтказмоқда. Биргина 2002 йилнинг ўзида улар томонидан лизинг шартлари асосида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган икки ярим мингта лойиҳа амалга оширилди.

Муҳтарам махлис иштирокчилари!
Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2002 йили ишлаб чиқаришининг барқарор ва мутаносиб ҳолда ўсишига эришилди.

Шу боис, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди, саноат маҳсулотлари - 8,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 6,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 11,8 фоизга қўпайди.

Иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлаб келаётган электрэнергетика, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноати ва бошқа соҳалар жадал ривожланимоқда.

Ўтган йили мамлакатимизда бошқоқли дон етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди - 5 миллион 400 минг тонналик хирмон бунёд этилди.

Молиявий ва пул муомаласи мутаносиблигини таъминлаш масалаларида ижобий натижалар қўлга киритилди.

Давлат бюджетни тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,8 фоизни ташкил этди, яъни прогноз даражасидан анча паст бўлди.

2002 йилда қаътий пул-кредит сиёсати олиб бориш, пул массаси, кредит ва нақд пул эмиссиясини камайитириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада пул массасининг ўсиш суръати анча камайди, унинг ҳажми 2001 йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 14 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 12,5 фоиздан иборат бўлди.

Энди ижозатиниқ билан ўтган йилги **инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш якунлари** ҳақида ҳисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

2002 йили иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 фоизга ўсиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан 650 миллион АҚШ долларидан ортқи ёки 20 фоиздан кўпроғи хорижий инвестициялардир.

(Давоми 3-бетда)

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Инвестициялар умумий ҳажмида корхоналарнинг ўзига тегишли бўлган ресурсларнинг 27,5 фоиздан 40 фоизга ошганини ижобий ҳолат сифатида алоҳида қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йил давомида 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир.

Шулар қаторида 500 километр узунликдаги Учкудук-Нукус темир йўли, Кизилкум фосфорит комплексининг биринчи навбати ишга туширилди. Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш завоидасида хлорат натрий ва хлорат магний дефлюантини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизация қилиш ишлари низоҳатга етказилди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика шонлининг тиббий ёрдам маркази, «Хоразм» меҳмонхонаси, «Нестле-Ўзбекистон», «Фармои», «Чиноз тўқимачи» каби қўшма корхоналар ва бошқа бир қатор иншоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Барча инвестицияларнинг 58 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилди.

Натижада мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда, биз учун долзарб масала бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда.

Масалан, Шўртан газ-кимё комплексини олайлик. Бу ноёб ва улкан sanoat корхонасини ишга тушириш ҳисобидан, аввало, бугунги кунда талаб катта бўлган энергетика ресурслари - газ маҳсулотлари ва суюлтирилган газ, газ конденсати ишлаб чиқариш таъминланмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда полиэтилен ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиб, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги учун ўта зарур полиэтилен плёнкалар тайёрлайдиган корхоналарнинг тўла қувват билан ишлашига ҳам имконият яратилмоқда.

Ёки «ЎЗДЭУавто» автомобиль заводимизни олайлик. Кейинги йилларда бу корхонада тайёрланаётган автомобилларнинг моделларини янгилашга қаратилган реконструкция ишларининг иккинчи босқичи якунланди.

Бу эса қисқа вақт мобайнида, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, мутлақо янги турдаги «Матиз» автомобилни ҳамда янги конвейер тармоғини ишга тушириб, «Нексия» машинасининг янги моделини ишлаб чиқариш имконини берди.

Тошкент трактор заводида Ўзбекистон-Хитой қўшма лойиҳасини амалга ошириш натижасида қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари учун ихчам тракторлар ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

«Кварц» акциядорлик жамиятидаги мавжуд яси ойна ишлаб чиқариш линиясини реконструкция қилиш ишлари тугалланди, «Хива-Карпет» қўшма корхонасида гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида каустик сода, «Фотон» акциядорлик жамиятида рангли телевизорлар, «ЎзКожи» қўшма корхонасида эса автомобилчи sanoati учун электр тасма ва ўтказгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Нафақат ишлаб чиқаришда, айти пайтда ўзимизда тайёрланган маҳсулотларнинг экспорт таркибида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Бу ўринда гап фақатгина хомашё ресурсларини четга чиқариш эмас, балки экспортга йўналтирилган рақобатга бардошли тайёр маҳсулотларни кўпайтириш ҳақида бормоқда.

Ўтган йил давомида корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида зарар кўриб ишлаётган, рентабеллиги паст ва иқтисодий но-чор корхоналар сони анча камайди.

Ҳукуматимиз зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодсиз корхоналарни тугатиш бўйича махсус дастур қабул қилди.

Ушбу дастурни изчил жорий этиш 2002 йилда 304 та корхонани зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқариш имконини берди, 154 та корхона бўйича эса тегишли банкротлик жараёни бошлаб юборилди.

2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробарга, иқтисодий но-чор корхоналар эса қарийб икки баробарга камайди.

Ўтган йили инфляция даражаси анча пасайди - унинг ўртача ойлик микдори 1,6 фоиздан иборат бўлди. 2001 йили бу кўрсаткич 2 фоизни ташкил этган эди.

2002 йили мамлакатимизда ўртача ойлик иш ҳақи микдори 47 фоизга ошди, мактаб ўқитувчилари ҳамда олий ва ўрта-махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларининг маоши эса 1,6 баробарга кўпайди. Аҳоли жон бошига ялли даромадлар йил давомида 1,4 баробар, реал даромадлар эса 12,6 фоизга ўсди.

Азиз дўстлар! Биз 2002 йилга якун ясар эканмиз, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган ва ислохотлар йўлида хали-бери гўв-тўқиб турган айрим масала ва муаммоларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бугунги кунда қўллаб корхоналаримизнинг бозор шароити ва талабларига ўта сезкинлик билан мослашаётгани, ишлаб чиқараётган маҳсулотини сотиш учун низоҳатда қўйинчилик билан бозор топаётгани иқтисодий тармоқимизга катта тўсиқ бўлмоқда.

Ақсарият корхоналар раҳбарлари инвестициялар жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш, янги, харидорнинг маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтиш масалалари билан жиддий ва мунтазам шугулланмаяпти.

2002 йилда республикамиз бўйича сотилмаётган тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати 3 миллиард 800 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Бундай маҳсулотлар, айниқса «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниялари, «Махсусқотишма» республика бирлашмаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзмашсаноат» ва «Озикоқватсаноат» уюшмалари, «Ўзурчиликматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари оямдорларида қўллаб микдорда йиғилиб қолган.

Натижада катта ҳажмдаги моддий бойликлар ишлатилмасдан ҳаракатсиз ётибди, қўллаб турдаги хомашё ва материаллар, шунингдек, айланма маблағларнинг беҳуда сарф этилишига йўл қўйилмоқда.

Бир қатор концерн, корпорация, компания ва уюшмаларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бундай корхоналарнинг молиявий аҳоли, айниқса, мураккабдир. Улардан кўпчилигининг рентабеллиги паст, иқтисодий жиҳатдан но-чор ёки

зарар кўриб ишламоқда.

Ўтган йили 128 та корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлади. Уларнинг ақсарияти «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат», «Ўзмашсаноат» каби тармоқларга қарашлидир.

Ҳукуматнинг зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш бўйича қабул қилинган махсус қарори сўзсиз бажарилиши лозим. Унинг ижросини назорат қилиш вазифаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий но-чор корхоналар ишлари қўмитаси, Олий ҳўжалик суди, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласи алоҳида эътибор талаб қилаётгани, ўйлаётгани, ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган конюнчилик ва ҳуқуқий асосни яратиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилганини тан олишимиз керак.

Асосан маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот вазифаларини бажариб келган, аслида эса бутунлай ортқича бўлган қўллаб бўғин ва тузилмаларга барҳам берилди.

Жамоа ва ижара мулки тамойилларига асосланган ширкат, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари амалда шакллантириб бўлинди, ҳамма жойда махсус етиштирувчи деҳқон билан жамоа ҳўжалиги ўртасида пудрат-шартнома муносабатлари жорий этилмоқда.

Фермер ҳўжаликларини жадал ривожлантириш, уларга янги рағбатлантирувчи омилларни яратиш бериш, деҳқонларнинг онг у тафаккурида мулкка эгаллик ҳиссиётини мустаҳкамлаш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш йўлида қўрилаётган бундай чора-тадбирлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқда янгилаш ва ўзгаришлар жараёнини амалга ошириш борасида танланган ислохотлар стратегиямиз бугунги куннинг ўзида ўз натижаларини бермоқда, десак, ўйлаيمانки, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Шу билан бирга, бутун маъсуллатини зиммага олган ҳолда шуни эътироф этиш керакки, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган барча чора-тадбирларга қарамай, бу тармоқ ҳали-ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислохотларга, бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир соҳа бўлиб қолмоқда.

Ва бунинг асосий сабаби, аввало, ўз умрини яшаб бўлган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, одамлар онгда чукур илдиш отган ўтмиш коллларидан қутулиш жараёнининг жуда қийин кечаётганида, десак, айти ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Бошқача айтганда, кўпгина ҳўлларда шакл ўзгариб, мохият, маъно-маъмун эса эскича қолмоқда. Биргина мисол келтирмаман. Барча вилоят ва туманларда собиқ жамоа ҳўжаликлари ширкат ҳўжаликларига айлантирилган. Лекин жиддий таҳлил этадиган бўлсак, ана шу янги ширкатлар кўпгина жойларда эски жамоа ҳўжаликларида дээрли фарқ қилмаслиги аён бўлади.

Модомки, ширкат ҳўжаликлари - жамоа ҳўжалигининг пайчилик асосига қурилган бутунлай янги шакли экан, уларда мулкка, ерга мутлақо янгича муносабатлар жорий этилиши зарур. Энг муҳими, жамоанинг ҳар

бир аъзоси ўз пайига эга бўлиши, қилган меҳнати учун эски замондаги, ҳаммага бир хил бўлсин, деган тенгчилик тамойили асосида эмас, ҳўжалик ютуқларига қўшган шахсий ҳиссасига қараб ўз ҳақини олиши керак.

Биз қишлоқда бозор муносабатларини жорий қилишнинг маъно-моҳияти - бу аввало, энг асосий бойлигимиз бўлган ердан қандай фойдаланиш, қаерга нима экиш, қанча ҳосил етиштиришни қатъий белгилаб берадиган эскича қарашлардан воз кечиш эканини чуқур англаб олишимиз даркор.

Бу, биринчи навбатда, бозор муносабатларига мос келадиган ҳамда қишлоқ ҳўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг эркин фаолиятини еклмайдиган мутлақо янги баҳолаш мезонларига ўтиш демакдир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қишлоқ ҳўжалигини бошқаришнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш ва тартибга солиш фурсати аллақачон етди: мамлакат миқёсидаги раҳбар идора - Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги нима учун жавоб беради, вилоят ва туман даражасидаги раҳбар ва мутасаддилар қандай масалалар учун маъсул эканини ва низоҳат, ҳўжалик, яъни махсуслот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва маъсуллатини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйиш зарур.

Ва бунда қўйи бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб ноқонуний аралашув ҳолатларига асло йўл қўймаслик даркор.

Ширкат ҳўжаликлари раҳбарларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини тубдан қайта қўриб чиқиш ва қаттиқ назорат қилиш керак, деб ўйлаيمان. Бу масалада туман ва вилоят ҳокимларининг ўзбошимчилигига чек қўйиш зарур.

Бугунги кунда шартнома интизомининг пастлиги қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш борасида ҳамон энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Бу тизим қишлоқда, асосан, расмиятчилик учунгина жорий этилаётганини тан олишимиз керак.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари барча даражада тузилган шартномаларнинг сифати ва сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш лозим. Кўп ҳолларда бу шартномаларнинг ижросини назорат қилиш ва айбдор шахслардан ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани учун судлар орқали жавоб талаб қилиш қийин кечмоқда.

Бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки шартномаларнинг кўпчилигида на ижро муддати, на ўз вақтида бажарилмагани учун жарима қоралари аниқ белгилаб қўйилмаган.

Гап бу ўринда аниқ субъектлар, яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ҳамда бу соҳага хизмат кўрсатувчи, уни техника ва ёқилги, транспорт ва уруғлик, маблағ, кредит ва бошқа барча керакли ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар ўртасида шартномаларнинг тузилиши ва олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиб борадиган аниқ механизмни яратиш зарурати ҳақида кетяпти.

Шартнома тузиш тизимини қайта қўриб чиқиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш ҳақида гапирганда, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар бу борада асосий бўғин бўлиб қолишини қатъий белгилаб қўйиш керак. Чунки ана шу бўғинга хизмат кўрсатадиган барча пудратчи субъектларнинг молиявий аҳоли, аввало, ишлаб чиқарувчининг самарали ва умумий ишлаш ҳамда фаолиятининг якуний натижаларига боғлиқ.

(Давоми 4-бетда)

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Давоми. Боши 1-2-3-бетларда)

Бу барча учун аксиома, яъни икки карра икки - тўрт дегандек равшан бўлиши зарур. Лўнда қилиб айтди-ган бўлсак, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда муваффақиятни таъминлайдиган бош омил - бу ишлаб чиқарувчи кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб, фаолиятига монелик қилаётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир.

Шунинг учун бошқарувни содда-лаштириш, юқоридан туриб ўринсиз кўрсатма ва буйруқлар беришга чек қўйиш, аксинча, фермер хўжаликлари-ни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш ва қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юрти-нинг замонвий услубларига ўргатиш билан шуғулланиш керак. Бу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси таяёрланган. Уйлайманки, у тез орада қабул қилинади.

Хурматли йигилиш қатнашчилари! **Капитал қурилиш борасидаги ислохотларни чуқурлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.** Қурилиш соҳасида биз дуч келаётган муаммолар иқтисодиётимизнинг энг заиф нуқтаси эканини очик тан олишимиз керак.

Аслида, моҳият эътиборига кўра, қурилиш ислоҳ қилиш учун бугунги кунда анча мустақкам конунчилик базаси ва зарур меъёрий асослар яратилган. Бу мақсадда институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди - республика қурилиш вазирликлари ва идоралари тугатилди. Пудратчи ташкилотларга етарли даражада иқтисодий эркинлик берилди.

Лекин амалда нима бўлмоқда? Қурилиш ташкилотлари эскича ишлаш-ни давом эттирмоқда. Амалда мамлакатимизда ҳали-хануз бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти бўлган пудрат ишлари бозори яратилгани йўқ. Қурилиш ишларига буюртма бериш юзасидан танлов (тендер) савдоси ҳар бир объект бўйича алоҳида ўтказилмаёпти, аксарият ҳолларда расмиятчилик учунгина уюштирилмоқда.

Далилларга мурожаат қилайлик, 2002 йилда умумий қиймати 184 миллиард сўмлик пудрат ишлари бўйича 622 та танлов савдоси ўтказилган. Айни пайтда эса йил давомида 1,4 триллион сўмлик пудрат ишлари бажарилган.

Очик тан олиш кераки, амалда пудратчи ўзига иш изламаёпти, аксинча, ҳаммаси эски, барчага маъкул схема бўйича кетяпти - яъни, буюртмачи юқоридан кўрсатилган қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномаси тузишга мажбур бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, кимнинг нима қуришию қанчага қуриши - ҳаммаси олдиндан маълум.

Масалан, Фарғона вилоятида 4 та коллеж қурилиши бўйича ўтказилган тендерларда нисбатан қиммат нархини тақлиф этган қурилиш ташкилотлари фойдасига қарор чиқарилган. Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги тендер савдоларида ҳам ана шундай ҳолатлар мавжуд.

Оқибатда пудратчи ташкилотлар фаолиятида қурилиш ишларини оқилона ташкил этишга ҳаракат йўқ, қурилиш харажатларини камайтириш, сифатини ошириш учун ҳеч қандай изланиш йўқ. Энг ажаблანарли жойи шундаки, қурилишдаги сарф-харажатни оширгани ва шартнома мажбуриятларини бузгани учун ҳозирга қадар бирон-бир пудратчи ёки буюртмачи айбдор деб топилиб, на маъмурий, на жиноий жавобгарликка тортилгани йўқ.

Тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари қийматининг юқорилиги ва сифати пастиги ҳам жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Кўплаб

лоиҳа институтлари хусусийлаштирилганига қарамай, улар ўртасида ҳозиргача ҳақиқий рақобат йўқ. Қурилиш маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ва конструкцияларига нарх белгилаш тизимида юзага келган ишларнинг аҳоли ҳам катта ташвиш тугдирмоқда.

Айниқса, марказлаштирилган ва бюджет манбалари ҳисобидан молиялаштирилаётган объектларни қуришга доир пудрат ишларини бажаришда смета нархларини, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини сунъий тарзда ошириш ҳоллари кўплаб учрайди. Амалда бу соҳада коррупциялашган бир тизим пайдо бўлди: айрим қурилиш ташкилотлари бинокорлик материалларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан эмас, балки пудратчи ташкилотлар раҳбарларининг қариндош-уруғи ёки таниш-билиши бўлган учинчи шахс - воситачилардан сотиб олади.

Акс ҳолда, 2002 йилда қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар ва ускуналар сотиб олиш бўйича бор-йўғи 39 та тендер савдоси ўтказилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Капитал қурилишда нарх-навонони шакллантириш масалаларини чуқур ва батафсил қуриб чиқиш учун молия вазири М.Нурмуродов раҳбарлигида махсус комиссия ташкил этилди. Унинг таркибига Президент девони, Бош прокуратура ва бошқа маънафаддор идоралар ҳодимлари киритилди.

Комиссияга қурилиш сарф-харажатларининг ошишига таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш, ўтказилаётган тендер савдолари натижаларини, бинокорлик материаллари ва ускуналар харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш ҳамда бу масалалар юзасидан 15 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақлифлар киритиш вазифаси топширилди.

Албатта, кўплаб комиссиялар ташкил этиш, суиистеъмолчиликка йўл қўйган айбдорларни жазолаш мумкин, лекин бу муаммоларни ечиш учун, аввало, ана шу соҳани бошқарадиган раҳбарлардан сўраш керак: нима учун бугунгача бу соҳада бозор муносабатларига мутлақо жавоб бермайдиган, юқорида қайд этилган нуқсон ва бемаза ишларга йўл қўйилмоқда? Нима учун бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари қўрилмаёпти - бугун масалани ана шу тарзда катъий қилиб қўйиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг К.Тўлаганов раҳбарлигидаги қурилиш комплекси маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда бу соҳада тегишли тартиб ўрната оладими-юки, йўқми?

Келинг, энди **уй-жой-коммунал хўжалигида** иқтисодий ислохотлар қандай амалга оширилаётганини танқидий нуқтаи назардан қўриб чиқайлик. Куйидаги рақамларга эътибор беринг.

Бугунги кунда қишлоқ жойларини марказлаштирилган ҳолда ичимлик сув билан таъминлаш даражаси республика бўйича 78 фоизни, табиий газ билан таъминлаш эса 75 фоизни ташкил этади.

Агар 90-йиллар бошида қишлоқ жойлардаги уйларни газлаштириш даражаси Сурхондарё вилоятида 3,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 59 фоизга етди. Қашқадарё вилоятида 5,7 фоиздан 66 фоизга, Наманганда 10,5 фоиздан 70,5 фоизга, Андижонда 11 фоиздан 68,5 фоизга ўсди.

Ичимлик сув масаласида ҳам, айниқса экологик жиҳатдан мураккаб ҳудудларда, ана шундай ижобий ўзгаришларни қўришимиз мумкин. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 1990 йилда қишлоқ аҳоли пунктларининг бор-йўғи 21,4 фоизни ичимлик сув билан таъминланган эди.

Ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 70 фоизга етказилди. Хоразм вилоятида бу рақам 23,2 фоиздан 64,2 фоизга ортди.

Таъкидлаш жоизки, 2002 йилда барча вилоятларда газ ва ичимлик сув тармоқларини қуриш ва ишга тушириш бўйича топшириқлар анча ортиги билан бажарилди.

Жами 1 минг 876 километр сув тармоғи ва 3 минг 336 километр газ тармоғи фойдаланишга топширилди. 465 та қишлоқ аҳоли пунктига ичимлик сув, 308 та қишлоққа эса табиий газ биринчи марта етиб келди. Қўриниб турибдики, бу соҳада катта ютуқлар бор ва уларни ҳеч ким инкор эта олмади.

Лекин шу соҳада ҳали жуда катта муаммолар борлигини ҳам ҳеч ким инкор этмайди. Ханузгача 2 миңдан ортиқ қишлоқ аҳоли пункти ичимлик сув билан таъминланмаган. Бундай жойлар Бухоро вилоятида (586 та), Қорақалпоғистон Республикасида (385 та), Самарқанд (303 та), Қашқадарё (270 та) ва Навоий (221 та) вилоятларида, айниқса, кўп.

Кўпгина олис қишлоқларимиз табиий газ, на суолтирилган газ билан таъминланган. Бу соҳада, аввало, Қашқадарё (387 та), Самарқанд (226 та) ва Сурхондарё (210 та) вилоятларида оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурида белгиланган кўрсаткичларни яна бир бор танқидий нуқтаи назардан қайта қўриб чиқиши лозим.

Айниқса, газ ва сув билан таъминлаш даражаси паст бўлган ҳудудларда ушбу тармоқларни фойдаланишга топширишни жаддаллаштириш учун реал молиявий манбаларга асосланган қўшимча чора-тадбирларни белгилаш керак.

Яна бир жиддий муаммо - бу сув, газ, иссиқлик каби ўта муҳим ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш масаласидир.

2002 йилда уй-жойларга газ ўлчаш асбоблари ўрнатиш бўйича топшириқлар ошириб бажарилганига қарамай, бу борадаги умумий кўрсаткич, бор-йўғи 26 фоизни ташкил этган ҳолда, ҳамон пастигича қолмоқда.

Хусусан, бу кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида 17,8 фоиз, Қашқадарёда 19,8 фоиз, Андижонда 20,2 фоиз, Наманганда 20,5 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикасида 20 фоиз бўлиб, мамлакат даражасидан анча паст. Бунинг устига, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятлари газ ўлчаш асбоблари ўрнатиш борасидаги йиллик топшириқларни бажара олмади.

Уй-жойларга сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш дастури амалда бажарилмади - 491 минг ўрнига фақат 138 минг 700 та ўлчаш мосламаси ўрнатилди. Бу дастурнинг атиги 28,3 фоизини ташкил этади.

Мамлакат бўйича уй-жойларнинг бор-йўғи 8,3 фоизига совуқ сув ўлчаш асбоблари ўрнатишган. Бу борадаги кўрсаткичлар Сирдарё вилоятида 1,3 фоиз, Сурхондарёда 1,7 фоиз, Андижонда 2,5 фоиз, Жиззахда 3,3 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикасида 2,5 фоиз бўлиб, аҳоли айниқса қониқарсиз ҳолатда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятида ҳам ҳали ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Ҳозир бундай ширкатлар кўп қаватли уйларнинг 91 фоизини қамраб олган. Уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлар етарли даражада жадал олиб борилмапти.

Хоразм вилоятида бор-йўғи 64 фоиз, Бухоро вилоятида 76 фоиз ва

Наманган вилоятида 90 фоиз уй-жой ана шундай ширкатлар тасарруфига ўтказилган.

Коммунал хизматлар учун тўланмаган қарзлар миқдори республика бўйича бугунги кунда 4 миллиард 600 миллион сўмини ташкил этади. Айниқса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 887 миллион 300 минг сўм, Сурхондарёда 638 миллион 500 минг сўм, Самарқандда 635 миллион 900 минг сўм, Бухорода 594 миллион 700 минг сўм ва Тошкент вилоятида 532 миллион 200 минг сўм бўлиб, қарздорлик миқдори ҳамон баландлигича қолмоқда.

Хурматли юртдошлар! Бугунги кунда **ички истеъмол бозорини озик-овқат ва ноозик-овқат товарлар билан тўлдириш** борасида юзага келган аҳоли бизни қониқтирмайди. Ички бозоримизни тўлдириш ва аҳолини биринчи навбатда саноат истеъмол товарлари билан таъминлаш, хусусан, сўнгги вақтда кўпроқ импортга, бошқача айтганда, четдан мол олиб келишга боғлиқ бўлиб қолганини сезиш учун катта мутаҳассис бўлиш шарт эмас.

Айниқса, мамлакатимизга кўп миқдордаги товарларнинг қонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан олиб қилинган ташвиш тугдирмоқда. Бундай товарлар, жумладан, озик-овқат маҳсулотлари божхона масканларини четлаб ўтиб, бож ва солиқ тўланмасдан, энг ёмони - таркиби ва сифати текширилмаган ҳолда олиб қилинган.

Фақат 2002 йилнинг кейинги олти ойи давомида контрабанда йўли билан олиб қилинган 20 миллиа сўмликдан ортиқ товарнинг ушла-қолингани ҳам бу борадаги аҳоли нечоғли жиддий бўлганини кўрсатиб турибди. Товарларнинг бундай назоратсиз, қонуний тарздаги оқимида ҳеч бир давлат иқтисодиёти, айниқса, ўз ривожланишининг ўтиш босқичида турган мамлакат иқтисодиёти дош бера олмапти.

Очик айтишимиз керак, чегараларини ва чегара ҳудудларимизда мамлакатимизга контрабанда йўли орқали товар олиб кириш билан шуғулланидиган кучли, уюшган, коррупциялашган жиноий тизим амалда шаклланган ва у иқтисодиётимизга катта зарар етказмоқда. Биз товарларни четдан олиб кириш ва сотишнинг қонуний тартибини ўрнатиш учун зарур чораларни деярли ишлаб чиқдик ва бугунги кунда бу борадаги ишларни изчил давом эттирмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз, биринчи навбатда, мамлакатимизга усти ялтироқ, ичи қалтироқ, сифати паст товарлар, жумладан, истеъмол қилиш муддатлари ўтган озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб қилинишига тўсиқ қўйишдир. Бу масалада бутун дунёда бўлганидек, божхона текширувини, давлат хазинасига тегишли солиқ ва божлар тўлинишини таъминлашдир.

Биз, баъзи бир қоқоқ мамлакатларга ўхшаб, эртага аҳолимизнинг аксарияти четдан олиб келинадиган, сифати паст моллар билан олиб сотарлик қилиб, шу ҳисобидан кун кўрадиган ва шунга тобе бўлиб қоладиган вазиятнинг вужудга келишига йўл қўя олмаимиз. Бундай қарашларни қўллаш эртанги униб-ўсиб келаётган авлодимизга нисбатан жиноят бўлур эди.

Биз ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарлар ва маҳсулотларни ўз ҳудудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ва бунинг учун барча керакли шартини яратушимиз керак. Бу бизнинг энг муҳими ва энг долзарб вазифамизга айлиниши шарт.

(Давоми 5-бетда)

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲАТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Охири. Боши 1-2-3-4-бетларда)

Такрор айтаман - гап бугун халқимиз истеъмол қиладиган молларнинг барча-барчасини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳақида бораётгани йўқ. Бизнинг мақсадимиз, аввало, юртимизда кенг имкониятлар мавжудлигини, яъни, ҳам керакли хомашё, ҳам малакали ишчи кучларимиз борлигини инобатга олиб, рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда чиқаришди. Фақат шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш ва биз учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этиш мумкин. Фақатгина шу йўл билан жаҳон ҳамжамияти ва дунё бозорида ўзимизга муносиб ўринни эгаллашимиз мумкин.

Энди, мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўзимизда нималар ишлаб чиқарилаётгани, уларнинг сифати қандайлиги, энг муҳими - қандай нархда сотилаётганини кўриб чиқайлик.

Мен бу ўринда айрим мисолларни келтирмоқчиман, холос.

Бугунги кунда ички бозорда сотилаётган барча тикувчилик маҳсулотларининг 75 фоиздан кўпроги, пойабзалнинг қарийб 50 фоизи, атир совун ва синтетик ювиш воситаларининг деярли 80 фоизи, республикада истеъмол қилинаётган мол ёки ва консерваларнинг 50 фоиздан зиёди, маъийш электротехника буюмларининг эса деярли 100 фоизи Ўзбекистонга четдан олиб келинган.

Мана шундай ҳолатдан келиб чиқиб, ўз-ўзидан табиий савол туғилади: хўш, ўзимизнинг ташкилот ва корхоналаримиз нима қиляпти, уларнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун масъул раҳбарлари нима билан банд?

Бош прокуратура томонидан тикувчилик саноатига қарашли «Юлдуз» ва «Малика» корхоналари текширилганида, кишининг қазабини кўзгайдиган хўжасизлик, мулкни талон-торож қилиш ва ўзлаштириш, бино ва дастгоҳларни арзиманган пулга ижарага бериш, яширинча ҳисоботга қирмаган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (шахсий фойда учун, албатта), нархларни сунъий равишда ошириш билан боғлиқ кўпгина салбий факторлар аниқланди.

Айни вақтда бозорни ўрганиш - маркетинг бўйича, харидорнинг товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий менежментни жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш, яъни уларнинг иш ҳақини ошириш борасида ҳеч қандай ҳаракат ёки интилишнинг ўзи йўқ.

Биз маҳаллий шароитда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир кенг қўламли **солиқ имтиёзлари** тизимини амалга қилдик. Барака топкурлар, айтинглар, давлат яна нима қилсин, яна нима берсин? Қотиб қолган раҳбар кадрларни уйғотиш, уларнинг астойдил ишлаши учун, айтинглар, яна қандай шароит яратиш керак?

Ёки савдо тизимида бугун нималар бўляпти? Солиқ идоралари томонидан текширилган 6 мингта савдо ташкилотининг 90 фоиздан кўпроғида белгиланган чакана савдо қоидалари бузилгани - назорат-касса аппаратлари умуман йўқлиги ёки ишлатилмаётгани, товарлар қивантациясиз сотилаётгани, нақд пул тушуми ўз вақтида банкларга топширилмаётгани аниқланди.

Товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотлари ўртасида ҳамкорликда ҳаракат қилишнинг аниқ механизми йўқ. Аслини олганда, улгуржи савдо бўғини ишламапти, зиммасида ҳеч қандай моддий жавобгарлик бўлмаган майда воситачилар тармоғи эса кенг миқёсда ёйилиб бормоқда.

Маҳсулот харидорга етиб борунича бир неча «кўл»дан, яъни олиб сотарлардан ўтади. Оқибатда нарх-наво ошади, жабрини эса яна харидор тортади.

Хукуматимиз томонидан улгуржи ва чакана савдонини тартибга солиш, рес-

публика ҳудудидида улгуржи савдо базалари, дўконлар, умумий овқатланиш ва маъийш хизмат қўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорлар ижросини биринчи ярим йиллик натижаларини янун қилишда кўриб чиқиш ва уларга зарур тузатишлар киритиш лозим, деб ўйлайман.

Хурматли дўстлар!

2002 йил якунлари ва мамлакатимиз иқтисодиётида ўтказилаётган ислохотлар самарадорлигини умумлаштириш эканми, кўлга киритилган муқаррар ютуқларимиз билан бир қаторда, шунинг таъкидлаш жоизки, иқтисодиётимиздаги ўсиш суръатлари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Бироқ энг жиддий сабаблардан бири - ислохотлар тўлиқ эмас, чала-ярим ҳолда амалга оширилаётгани билан боғлиқдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, пировардидида аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўяётган қадамларимизга бугун суस्ताшлик, бошланган ислохотларнинг ўз мантиқий якунига етказилмаётгани салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, 2003 йилда олдимизда турган муҳим устувор вазифалар ҳақида гап-рақат эканми, асосий эътиборни айнан мана шу муаммага, **яъни, ислохотларни чала-ярим амалга ошириш ҳолатларига барҳам бериш, биринчи ғалда мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратишимиз керак.**

Биз қаердаки ҳақиқий мулкдор пайдо бўлса, ўша жойда ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётганига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Корпоратив ёки хусусий мулкдорми, бундан қатъи назар - энг асосийси, сўзда эмас, амалда мулкдор бўлиши лозим.

Иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки ҳамон ҳаддан ташқари катта бўлиб қолаётганини тан олишимиз керак. Бу, аввало, мулкда давлат улуши бўлган корхоналар сонининг кўп экани, хусусийлаштирилган корхоналарнинг низоом жамғармасида давлат улушининг анча юқорилиги ва давлатнинг корхоналарнинг иқтисодий ва ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашувида наомён бўлмоқда.

Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги ишлар ҳам жиддий эътибор беришни талаб этади. Аслида, республикамизда хусусийлаштириш кўп ҳолларда номинга ўтказилмоқда.

Бир қарашда қонунчилик нуқтаи назаридан белгиланган барча талаб ва меъёрлар бажарилгандек туюлади, корхоналар хусусийлаштирилиб, расман давлат тасарруфидан чиқарилади. Лекин, афсуски, бу борада алоҳида қарашларни талаб этадиган кўплаб турли муаммолар юзага келмоқда.

Гап шундаки, аксарият хусусийлаштирилган корхоналарда акциялар орқали маълум микдорда давлат тасарруфидида сақланиб қолган мулк бор. Ушбу улуш бўйича давлатнинг ишончли ёки вақолатга эга вакиллари тайинланган бўлиб, улар акциядорлик жамияти бошқаруви таркибига киритилган ва қарор қабул қилишда уларнинг овози ҳал этувчи аҳамиятга эга.

Бу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ўз вақтида корхоналарнинг давлатга тегишли акцияларининг бир қисми юқори уюшма, корпорация ва компанияларнинг ишончли бошқарувига топширилган эди. Бунда ҳўжалик бирлашмаларининг тармоқда ягона техникавий ва технологик сўбасат юришти, маркетингни амалга ошириш имкониятига эга бўлиши кўзда тутилган эди.

Амалда эса уюшма ва компаниялар томонидан корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига бўлар-бўлмас аралашуви, бошқарув ишлари билан шугулланиш,

кадрлар масаласини ўз билганича ҳал этиш ҳолатлари кузатилаётган. Бундай ҳолда уюшманинг аввалги тармоқ вазирлигидан нима фарқи қолади?

Мисол учун, давлатга қарашли Тошкент компрессор заводи 1994 йили акциядорлик жамиятига айлантирилган эди.

Эмиссия режасига кўра, акцияларнинг 25 фоизи давлат тасарруфидида қолди, салкам 10 фоизи жамоага берилди, қолган акциялар эса эркин савдога чиқарилиши зарур эди.

Бироқ акцияларнинг 35 фоиздан кўпроғи жойлаштирилмасдан қолиб кетди. Бундан ташқари, ўтказилган тафтиш давомида мулкнинг бир қисми умуман нархланмагани аниқланди, жойлаштирилмаган акцияларнинг реал улуши эса бугун 66 фоизни ташкил этади.

Завод акциядорлик корхонасига айлантирилганидан сўнг, илгари унга раҳбарлик қилиб келган собиқ директор акциядорлик жамияти бошқаруви раиси этиб тайинланган. Ва кейинчалик жамоа мулкни ўзбошимчалик билан тасарруф этгани, уни талон-торож қилгани учун тергов органлари тавсия билан лавозимидан олинган.

Хўш, кузатув кенгаши, акциядорлар йиғилиши қаёққа қараган? Афсуски, бу масалалар улар томонидан кўриб ҳам чиқилмаган. Чунки кузатув кенгашига турли йилларда жамиятнинг бош технологи, раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, бош конструктор бўлиб ишлаган шахслар раислик қилган. Бир сўз билан айтганда, кенгашга фақат директорнинг кўли остида ишловчи одамлар раҳбар бўлган.

Мен хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини эркин савдога чиқариш сунъий равишда тўхтайтиб қўйилгани, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари амалда директорлар зотига тобе бўлиб, собиқ директорлар эса корхонада том маънодаги яқка ҳўжайинга айланиб қолганини исботловчи кўплаб мисолларни келтиришим мумкин.

Бундай ҳолатларнинг салбий томони шундаки, директорнинг қонунга биноан **акциядорлар олдида ҳисобот бериши лозим бўлган, шу шарт билан ишга олинган бошқарувчи экани ва унинг эртага ҳам директор лавозиминида қолиши ёки қолмаслиги акциядорларнинг овози ҳамда қарорларига боғлиқлиги мутлақо ҳисобга олинмаган.** Бундай ҳолатларга йўл қўйиб берган, Вазирил Маҳкамасида ва Давлат мулки қўмитасида юқори лавозимларда ўтирган мутасаддилар қандай жавоб беради?

Бугунги кунда олдимизда, таъбир жоиз бўлса, «расмий хусусийлаштиришдан том маънодаги амалий хусусийлаштиришга ўтишдек» ўта муҳим вазифа турибди.

Хусусий мулкчиликнинг ролини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Фармон қабул қилингандан хабарингиз бор, деб ўйлайман. Бу Фармонда қўйидаги асосий вазифалар белгиланганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, хусусийлаштирилган корхоналарнинг низоом жамғармасида давлат улушини қисқарттириш. Бу улуш фақат стратегик аҳамиятга молик бўлган корхоналарда сақлаб қолиниши мумкин. Қолган корхоналардаги давлат улуши эса фонд бозоридида, асосан хусусий мулк қилиб сотилиши шарт. Пировард натижада бу корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш, хусусий сектор ривожини учун шароит яратиш, унинг иқтисодиётимиздаги ролини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, концерн, уюшма ва холдинг компанияларининг ҳамон туғатилган аввалги вазирликлар каби иш юритишига, уларнинг корхоналар молиявий-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига чек қўйиш.

Учинчидан, акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарни бошқаришда акциядорларнинг ролини кў-

чайтириш. Бунда акциядорлик жамиятлари директорларининг вазифасини тубдан ўзгарттириш ва қайта қўриб чиқиш, уларни бир йил муддатга вақолат олиб ишлайдиган бошқарувчиларга айлантириш масаласи қўйилмоқда. Бир йилдан кейин улар ўз ишини яна давом эттирадими, йўқми, буни акциядорлар йиғилиши, уларнинг йил якуни бўйича берган ҳисоботидан келиб чиққан ҳолда, ҳал этади.

Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодиётимиздаги ислохотларнинг истиқболи кўп жиҳатдан маъзур Фармонда баён этилган ушбу вазифалар қандай амалга оширилишига боғлиқ бўлганини исботлаб ўтиришга ҳоҳат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бугун мен тўхталмоқчи бўлган сўнгги масала - **бу тараққийимизнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили бўлиши кадрларнинг умумий малакасини ошириш масаласидир.**

Иқтисодиётда чўқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технология жиҳатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислохот этишнинг стратегик вазифаларидир. Фақат шунинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жаҳон бозоридида муваффақиятли рақобатлашиш мумкин.

Биз текзор техникавий тараққий, шиддат билан ривожланаётган ва мунтазам янгиланаётган замонавий юқори технологиялар, ахборот-компьютер тизимлари асрида яшаётганимизни унутмаслигимиз даркор. Узингиз ўйланг, бугун ўта илгор бўлиб кўринган технологиялар ҳам 5-7 йиллик қисқа вақт мобайнида эскириб, уларнинг ўрнини янада тақомиллашган технологиялар эгалламоқда.

Шу ўринда йирик трансмиллий компанияларда кадрларни профессионал жиҳатдан ўстириш тизими қандай йўлга қўйилганига эътибор қаратайлик. Улар ушбу масалага қатъа аҳамият беради ва, энг асосийси, кўп маблағ ажратди.

Маъзур фирмаларда олий маълумотли мутахассислар билан замонавий юқори технологияларни ўзлаштирган малакали ишчилар ёнма-ён меҳнат қилади. Бундай кадрларни тайёрлаш учун бир неча йил, баъзида ўн йиллар талаб этилади.

Масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳати шундаки, бу ерда рағбатлантиришнинг самарали тизими мавжуд бўлиб, лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўланади. Биз ҳам ана шундай тизимни яратишимиз даркор. Тан олиш керакки, бизда кадрларни қайта тайёрлаш билан идора ва ташкилотлар деярли шугулланмайдди. Шуғулланган тақдирда ҳам, бу иш майдан тизимга асосланган ҳолда, изчиллик билан амалга оширилмади.

Ушбу мақсадлар учун маблағни аямаслик керак. Зарур моддий-техникавий базани ташкил этиш, унга Интернет тизими билан боғланган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўрнатиш, малакали ўқитувчиларни жалб қилиш лозим.

Кадрларнинг профессионал ўсишини ҳар томонлама рағбатлантириш, ходимларнинг тоифа ва малака мезонларини белгилаш ҳамда иш стажига қараб қўшимча ҳақ тўлашни йўлга қўйиш керак.

Бир сўз билан айтганда, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳар бир идора, ҳар бир корхона ва уларнинг ходимлари учун қатъий қоидага айланиши, бу борадаги ишлар ягона тизим асосида ташкил этилиши ва бу тизимнинг самарали ишлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгга эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишга бизни ривожланган илгор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга омад ва муваффақиятлар тилайман.

ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

3. Олий Мажлис: йўналишлар белгилаш ваколати

Ҳўш, ислохотларни ким амалга оширади? Одамлар, албатта. Лекин бу ўзгаришларнинг йўналишлари, тамойиллари, қатъиятларини ким белгилайди?

Албатта, давлат ҳамда, табиийки, унинг раҳбари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIX боби Президентга шундай ваколат беради. Бинобарин, Асосий Қонунимизнинг XX бобида Олий Мажлис ваколатлари жумласига «Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш» вазифаси ҳам киритилган.

Шунинг учун Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис сессияларида аксар маърузалари мамлакатимиз тараққиёт тамойиллари, истиқбол йўллари белгилаш ваколати бўлиб келди.

2002 йилнинг 29 августига куниники чакирқўй Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мазмундаги маърузасига ҳам ана шундай дастурий ҳужжат сифатида қараш керак.

4. Куч – бирликда

Маъруза телевидение орқали тўлиқ намойиш этилди. Матни кундалик матбуотда босилиб чиқди. Жойларда, маҳаллалар, қишлоқ ва овулларда, қорхона, идора, ташкилот ва муассасаларда Олий Мажлис депутатлари, давлат ва жамоат арбоблари, етук мутахассис сиёсатчилар, жамоатчи тарғиботчилар иштирокида кенг ва атрофли муҳокама қилинган. Бу борадаги ишларни Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, унинг ташкилий гуруҳи – ижроия ташкилоти бўлган «Маънавият ва маърифат» маркази мувофиқлаштириб турибди. Оммавий ахборот воситаларида бу маърузадан келиб чиқадиган вазифалар ташхилга бағишланган чиқишлар бўляпти. Чунки давлат раҳбари ўртага ташлаган ғоя ва мақсадлар, белгилаб берган йўналиш ва тамойиллар ҳаётга жорий этилмас экан, мурод ҳосил бўлмади. Бунга эришиш учун эса кишилар онг-тафаккурига амалга оширилган демократик ўзгаришлар моҳиятини синдириш, уларга фуқаролик жамиятининг туб мақсади ва устуниликларини англаштириш зарур.

Шунга эришиш керакки, давлат раҳбарининг мамлакат ва халқ манфаати йўлида жон кўйдириб ишлаб чиқётган тараққиёт йўли ҳаммининг мақсадига айлансин. Шунда иш осон кечади. Халқ эзгу мақсад ва олий оруз атрофида биришади. Куч – бирликда.

Ўзбекистон ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум, яъни фуқаролик жамиятига эга ҳуқуқий давлат қуриш мақсадини қўйган экан, шундай умумхалқ бирлиги жуда керак.

5. Босқичма-босқич ривожланиш сиёсати

Президент Ислам Каримов раҳбарлигида истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Буни четда «Тараққиётнинг ўзбек модели» деб аташди¹.

Бу модель моҳиятини жамиятнинг ислохот қилишининг ниҳоятда илмий асосланган машур беш тамойили акс эттирди. Бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонуनларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш².

Келинг, аввало, бир нарсани ойдинлаштириб олайлик: биз қандай жамиятдан воз кечиб, қандай жамиятга ўтяямиз?

Шўро тузumi – яққа мафкура, демаки, яққа партия ҳукмронлигига қурилган жамият эди. Бу ҳаммини тенглаштириш сиёсати дегани. Яъни бундан ҳеч кимнинг бойиб кетишига йўл қўйилмас эди. Бунинг учун ҳусусий мулкка сира имкон бермаслик зарур эди. Давлат мулки жамиятдаги умумий мулкнинг асосий қисмини ташкил этар эди.

Дейлик, кимнингдир ўн фарзанди бор, бошқа бировнинг – бир-икки. Кўп фарзандли ота, табиийки, кўпроқ даромад топиши, бунинг учун кўпроқ меҳнат қилиши керак. Қолхозда, айтилайки, бир кунлик меҳнат 2 сўм 40 тиён эди деб фарз қилайлик. Пулга кўпроқ муҳтож ота ҳар кун икки ҳисса ишлаб, икки қаранда ошик даромад топмокчи. Икки ҳисса ишлаши мумкин, лекин қонда деҳқонга бир кунга икки ҳисса ҳақ ёзиш мумкин эмас эди-да.

Қўқаб нима бўлди? Мулк – умумий, ҳақ тўлаш – ўта чегаралаб қўйилган учун яқши ишлаганга ҳам, дангасалик қилиб кўп меҳнат қилмаганга ҳам даярли бир хил пул тўланди. Одамлар аста-аста кўп ишлашга эмас, иложи борича камроқ меҳнат қилиб, амалда кўп қатори ҳақ олаверишига мойил бўлиб бораверди. Социализм – очиниги айтганда, дангасалар тузumi эди: ишқамаслар ҳам ишчанлар қатори ҳақ олаверарди.


Хўлбуки, табиатдан инсонлар ҳар турли қобилият ва фель-автор эгаси қилиб яратилган. Ҳамма соҳада ҳам шундай одамлар борки, бир ўзи амалда ўн, йигирма одамнинг ишини қилади. Марҳамат, ишига қараб ўн, йигирма кишининг ҳақини ҳам олсин-да. Шунда бошқалар ҳам моддий манфаатдорлик ҳисси туфайли ана шу кучлилар кетидан эргашсин. Ижобий маънодаги рақобатга чиқсин. Рақобат бор жойда тараққиёт бўлади. Интилиш туфайли ишлаб чиқариш аввал одамнинг ақлига сира келмаган даражада тақомиллашади. Манфаат учун кураш амалда муттасил равишда янги-янги технологиялар яратилаверишига олиб келади.

Хўллас, биз энди ишламаган тишламалардан жамиятга ўта бошладик. Бунинг афзаллигини дунёдаги ривожланган давлатлар кўрсатиб турибди.

Бирок бирданига бир жамиятнинг иқкинчисига айлантириш мумкин эмас. Бундай инқилобий йўл ҳаётда ўзини оқламади. Шўро давлати миллион-миллион тақдирларнинг ақич-ақич фоқиса ҳисобига сунъий равишда, зўравонлик, яъни қурол кучи билан пролетариат диктатураси ўрнатиб, тузумни бутунлай ўзгартирди. Бундан жамият халқ қаттиқ юккади. Анъаналар йўқ бўлди. Ақл-тафаккур мерос бўлиб ўтмади. Янги тузум ишқига маст бўлиб жуда кўп ижобий жиҳатлар мутлак бўй берилди.

Ушш даврида тарихнинг бу ушталарини тақорламалик керак. Бунинг учун бирдан-бир йўл – янги жамиятга босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбекистон айнан шундай оқилона йўлни танлагани учун мақсадга изчил яқинлашиб бораёпти. Шу тариха ўн бир йилдан ошиқроқ давр мобайнида мамлакатда жаҳоншумул ўзгаришлар юз берди.



Тошкент шаҳар ҳокимлигининг соврини учун «Ташаббус – 2003» кўрик-танловининг туман босқичлари ўтказилмоқда.

Мирзо Ўтган туманида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда 8 нафар тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни, 7 нафар кўли гул хўнармандлар ясаган буюмларини намойиш этиб қўймай, шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Уларнинг изланишлари, интилишлари, касб-маҳоратлари самараси ўларок, кўргазма залидан тадбиркор ва хўнармандларнинг энг сара, сифатли маҳсулотлари ҳамда хўнармандларнинг нафис, гўзал, санъат даражасидаги асарлари ўрин олди.

Маъзур кўрик-танловда барча иштирокчилар ўзлари ҳақларида маълумот бериши ва нуфузли ҳайъат аъзоларининг саволларига ҳозиржавоблик билан жавоб қайтардилар. Туманда «SONI-TA» ҳусусий ишлаб чиқариш ва тижорат фирмасининг бир-бириндан қиройи, жуда қулай бўлган офис учун стуллари ҳамда металл буюмлари, сифатли буюк турларини қўнайитириш йўлида изланаётган «Рангли буюк» масъулияти чекланган жамияти, малакали матбаа ишларини амалга ошираётган «ТАВАС» ишлаб чиқариш қорхонаси, ички бозор-



• ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Талабчанлик самараси

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қатъа эътибор қартилган. Истеъмолчи барча соҳалар бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоялашга, талабчан бўлишга интилаётгани албатта, қувонарли ҳолдир. Бу товарлар (хизматлар) сифатли бўлишига эришишда муҳим ўрин эгаллаш, шубҳасиз.

— Ўтган йилда бошқармаимизга истеъмолчилардан 135 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлса, — дейди Тошкент шаҳар монополиядан қиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вази-фасини бажарувчи Баҳодир Умаров, — шундан 83 таси коммунал-фойдаланиш хизматлари бўйичадир. Бу истеъмолчилар коммунал-фойдаланиш хизматидеги соҳаси ҳодимлари томонидан кўрсатилмаган хизматлардан норози эканликларини билдириб шикоят қилишган. Шикоятларнинг аксарияти «То-

• «ТАШАББУС—2003»

Ғолиблар шаҳар босқичида қатнашади

ни ўзининг рақобатбардош кабель симлари билан тўндирётган «Дойне кабель» қўшма қорхонаси, юртимизда етиштирилган доривор ўтлар билан савдо қилувчи «Гербафарм» ҳусусий фирмаси тадбиркорларининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Улар маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган сифатли, чидамли, нисбатан арзон бўлган турли-туман маҳсулотлари билан ички бозорни тўндириш йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Кўрик-танловда тумандаги «Энг яқши тадбиркор» номига «SONI-TA» ҳусусий ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси, «Энг яқши хўнарманд» номига эса темирчи уста Владимир Пилипкоқ сазовор бўлдилар. Биринчи ўрин соҳиблари «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг шаҳар босқичида қатнаш ҳуқуқини қўлга қиритдилар ҳамда уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавжалар.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



• ФАҲР

Кўнглимиз қувончга тўлди

Юртимиз кундан-кунга қиройи очиб, жаҳон мамлакатларини ўзига тортиб келмоқда. Файзли мамлакатимизга чет элдан кўлаб меҳмонлар, саёҳатчилар ташриф буюришмоқда. Бу албатта бежиз эмас. Жумладан, бизнинг Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат ихтисослашган мактабимизга ҳам америкалик меҳмонлар ташриф буюришди.

Америкалик меҳмонлар мактабдаги ҳар бир синфга алоҳида-алоҳида киришиб ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар. Жумладан, Markowitz деб ўзини таништирган меҳмон Ўзбекистон ҳаётини ўргангани, тадқиқот қилгани келганини айтиди. У бизнинг ҳаётимиз, яшаш тарихимизни ёзиб, китоб қилиш ниётида экан. Унга мен: «Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдириб» деб савол бердим. У: «Очиниги айтсам Ўзбекистон ривожланган, қадимий обидалари кўп ва бой тарихга эга шаҳар экан» дея жавоб берди.

Меҳмонлар инглиз тилини яқши билган ўқувчилар Америкадаги Accels, Iгex йўналишидаги ўқув юрталарида ўқишлари мумкинлигини айтиб, қўшимча маълумот олиш учун Accels ва Iгexнинг пойтахтдаги манзилларини бердилар. Бундан ташқари мактаб кутубхонасига Америкадаги ҳаёт ва у ердаги коллеж

катларида қисқа муддатли текширувлар ўтказилди. Текширув давомида «Диёр-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатига «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси бузилганлиги аниқланиб, Ҳамза тумани, «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳаси, 3-маъзе, 13-уйнинг 10, 19, 20, 29, 30-хонадонларида истиқомат қилувчиларга кўрсатилмаган фойдаланиш харажатлари хизмати учун қайта ҳисоб-китобни амалга ошириш юзасидан кўрсатма берилди. Бошқарма аралашуви билан ширкат истеъмолчиларга 6939 сўм маблағни қайтариб берди.

Шунингдек, «Илғор-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатига ўтказилган текширув давомида ҳам ҳақиқатан истеъмолчи ҳуқуқи бузилганлиги аниқланди. Бошқармаимиз томонидан ушбу қонун бузилиш ҳолатини бартафат этиш мақсадида ширкатга кўрсатма берилди ва ўз муддатда баҳарилди.

(Ўз муҳбиримиз)

¹ Бу ҳақда қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000. 36-бет.

² Қаранг: Уша ерда, 37-бет.

(Давоми келгуси сонда)

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлиб...**

● Нодон дўстан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошлаган кишининг ўзи нодон.

● Сўраб суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

● Заиф, қўрқоқ, алдамчи дўстан душман афзал.

● Сукрот ҳақим айтади:

— Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очик юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстлиқнинг бошланishi мадҳ — сано биландир.

● Араб фозилларидан Асмаий айтади:

— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. У бир киши сифарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосга ўтиришга таклиф этди. Шунда мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф этасан, — деган эрдим, у айтди:

— Икки душман бутун бир ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

ҚИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганида тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик озгин нотавон маҳлукман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

ҲИССА: дўст танлашда шошилмаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, гаддорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:

Кимки дўстлиқни хор айлабди, уни — Қисмат жазолагай — чиқиб тутуни.

● Камолотга илмсиз етишиб бўлмайди ва бундай киши улуғлиқдан узоқдир.

— Мирзатилла Закириллович, айтинчи, мазкур Фармонга биноан жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келаётган фуқаролар билан Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Юртобшамизнинг мазкур Фармонларига асосан, жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан барча шахслар билан Тошкент шаҳар ИИББнинг Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан муқаддам судланган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, керакли ҳужжатлар билан тўлиқ таъминлаш, уларнинг саломатлигини текширтириш ва иш билан таъминлашда ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари, уларнинг орасида уй-жойга муҳтож бўлган, ёлғиз ҳамда нафақа ёшига етган фуқароларга яқиндан ёрдам берилиб, тегишли корхона, ташкилот раҳбарлари билан ўзаро келишилган ҳолда уларни иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ётоқхоналар билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш борасида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан тасдиқланган режа асосида Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг 2002 йил 12 декабрда тасдиқланган № 84-сонли фармойиши ҳамда амалга оширилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бунда асосан Амнистия тўғрисидаги Фармон ижросининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, уни қўллаш жараёнида қонун талаблари бузилишининг олдини олиш мақсадида ИИББ да тезкор девон ва ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Шунингдек, барча туман ИИБ ларида ҳам ана шу масалаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши чоралари кўрилди. Бу борада ишлаб чиқилган режа ва тасдиқланган фармойиш туман ИИБ ларининг тегишли хизматларига ижросини ўз вақтида таъминлаш учун кўрсатмалар юборилди.

— Республикаимизнинг турли вилоятларида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидан омиллари бағрига шошаётган озод этилган шахсларнинг манзилларига эсон-омон ва ўз вақтида етиб олишлари учун чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилганими?

— Тошкент шаҳри орқали транзит йўли

билан кетаётган ва Тошкент шаҳрида қоладиган шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли хилдаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ушбу тоифага мансуб маҳкумларни ўз оилалари бағрига етиб боришларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Наклиёт ИИБ, ЖИЗББ билан ҳамкорликда қўшма режа ишлаб чиқилиб, Бошқармалар раҳбарларининг назорати остида унинг ижроси таъминланмоқда.

• ФАРМОН ВА ИЖРО

Ҳаётда ўз ўринларини топадилар

Маълумки, 2002 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармони қабул қилинган эди. Ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасида қандай ишлар олиб борилаётгани билан танишиш мақсадида биз Тошкент шаҳар ИИББ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бўлини бошлиғи, милиция подполковниги Мирзатилла ШОНАЗАРОВга мурожаат қилдик:

— Жазони ижро этиш муассасаларидан ушбу Фармонга биноан озодликка чиқиб келаётган маҳкумлар орасида турли диний экстремистик оқимларга кириб қолиб, жиноятга қўл урган шахслар ҳам бор. Уларга ва умуман, барча субиқ маҳбусларга дастлаб қандай кўрсатмалар ёки ёрдамлар бериладими?

— Жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқиб келаётганлар, шунингдек, диний-экстремистик оқимларга мансуб бўлган ва бугунги кунда ўз қилимишдан қаттиқ пушаймон бўлиб, кечирим сўраётган, Амнистия тўғрисидаги Фармонга биноан озодликка чиққан шахсларни туман ИИББ ХООБ масъул ходимлари томонидан махсус тарзда рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатларини тиклаш учун паспорт бўлимларига бориш, уларнинг бундан кейин фойдала мекнат билан шугулланишлари учун жойлардаги аҳолини иш билан таъминлаш меҳнат бўлимларига, соғлиқларини текши-

рувдан ўтказиш мақсадида соғлиқни сақлаш бўлимларига мурожаат этишлари учун йўлланмалар бериш чора-тадбирлари қўрилиб, яқиндан ёрдам берилиб келинмоқда. Озодликка чиққан ҳар бир шахсни юқорида қайд этиб ўтилган тегишли идораларга мурожаат қилишларда уларни навбатсиз равишда қабул қилинишлари ҳам тўғри йўлга қўйилган бўлиб, буларни назорат этиш ИИББ ХООБ нинг жойлардаги ходимлари зиммасига юклатилган.

Амнистия тўғрисидаги Фармонга биноан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахслар ходимларимиз томонидан дарҳол ҳисобга олинади. Шунингдек, улар орасидаги диний экстремистик оқимларга кириб қолганлиги тўғрисидаги қамалиб, мазкур Фармонга асосан озод этилаётган шахслар ҳам ҳисобга олиниб, улар яшайдиган маҳалла кенгашлари фаоллари ўртасида муҳоима қилинади. Бу каби йўлга қўйилган тадбирларнинг асосий моҳияти ҳам шундан иборатки, диний-экстремистик оқимларга кириб қолган, ноқонуний ҳаракатлари учун тегишли жазони ўтаб, эндиликда озодликка чиқиб келаётган шахсларнинг яна такрор шу йўлдан бормасликлари ва келажақда ҳаётда ўз ўринларини топишларида маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ва яқинлари томонидан керакли маслаҳатлар берилади. ИИББ ХООБ нинг жойлардаги масъул ходимлари зиммасига ана шундай тадбирларни ўтказишни назорат этиш вазифаси ҳам юклатилган.

Жамиятда айрим адашган, билиб-билмай жиноят ботқоғига кириб қолган фуқароларимиз ҳам учраб туради. Дунёда жамияти нарсанинг сўроғи бўлгани каби ҳар бир гайриқонуний ҳаракатни содир этган инсон қилимиши учун албатта жавоб бериши тайиндир. Қонун олдига тегишли жазога лойиқ топилган шахсларнинг озодлик куёшидан баҳра олиш бахтига муюссар бўлгандан сўнг қайта қинриқларга қўл урмасдан, ҳаётда ўзларига тўғри йўлни танабав бунг кечирिशларига нима етсин.

Зеро, муғрими кунда келажаққа умид кўзи билан мағрур боқаятган фуқаролар эрк-хуқуқларини ҳимоялаш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳам энг асосий масалалардан бири эканлигини эътироф этишимиз лозимдир.

Самариддин ХАЛИЛОВ
суҳбатлашди.



Пиру-бадавлат, нуроний отахонларимизнинг панд-насихатлари, доно ўғитлари ҳамиша ёшлар учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтаб келади.
Сергей Любич олган сурат.

• ТАДБИРЛАР

«Обод маҳалла — ойдin йўлим»

Ҳудди шу мавзуда шахримиздаги Нодирабегим номли 265-мактабда ибратли тадбир бўлиб ўтди.

Куйи синф ўқувчиларининг Обод маҳалла йилига бағишланган бу тадбирларида маҳалла оқсоқоли ва фаоллари ҳам иштирок этишди. Ўқувчилар аввало маҳалла — Ватаннинг табарқур остонаси, фуқаролик жамиятининг сарчашмаси эканлини устозлари М.Нурмухамедовадан билиб олдилар, сўнг ўзлари яшайдиган «Кулолқўрғон», «Богбон», «Уч қахрамон» маҳаллалари, ундаги аҳоли сони, оқсоқоли, номланиш тарихи ҳақида бува-бувиларидан эшитганларини сўзлаб бердилар. Саҳна кўринишлари, мақол ва ифодали ўқилган шеърлар тадбирни янада жонлантириб юборди. Бошланғич синф ўқувчиларининг маҳалла ҳақидаги фикрларидан, унга ҳурматидан меҳмонлар қувонишди.

— Мактабимизда ўқувчиларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун ҳар ҳафтада маънавият йиғилишлари, тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди ўқув маскани директори М.Мирзамухамедова. — Ёш авлоднинг она-Ватани, маҳаллани кадрловчи баркамол фарзандлар бўлишларига ҳаркат қилмоқдамиз. Зеро, ёшлиқдан бериб борилаётган таълим-тарбия келажақда албатта ўз хосилини беради. «Маҳаллалар — ота-онанг» дейилишини, унинг тул моҳиятини сингдириб бориш — тарбиянинг асосий бўғинидан бири.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

«ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА»

Пойтахтимизнинг Чилонзор туман ҳокимлигида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуда йиғилиш ўтказилди.

Юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ҳар нарсадан устун. Халқимиз хотиржамлиги йўлида туну кун хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари учун янада масъулиятли паллалар бошланди. Жорий йилнинг 4 февралдан 28 февралга қадар республикамиз миқёсида тозалаш тадбири ўтказилмоқда. Тадбир доирасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятликка қарши курашиш, паспорт тизимини текшириш, профилактик чора-тадбирлари кучайтирилган тартибда олиб борилади.

Республикамизда мавжуд маҳаллаларда Ички ишлар вазирлиғи мутасаддиларининг маҳалла аҳли ва фаоллари билан учрашувлари ташкил қилинади. Учрашувлар «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида ўтказилади. Чилонзор туман ҳокимлигида ҳам ИИБ мутасаддилари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ходимлари ва мазкур туман аҳли билан шу мавзуда учрашув ташкил қилинди. Маълумки, дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган муаммо бу терроризм ва диний экстремизм масаласидир. Ёшларимизни турли носоглом гоялардан асраш, юртимиз, хонадонимиз хотиржамлиги йўлида ҳушёр ва огоҳ бўлиш каби масалалар хусусида йиғилишда атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, учрашувда хуқуқ-тартибот органлари ходимлари иш фаолиятида фуқароларимизнинг ёрдамлари муҳимлиги таъкилданди.

«Туркистон-пресс»

Спорт

Хабарингиз борми?

Қўшни Қозоғистон Республикасининг биринчи лигаси жамоаси «Тараз»га айна кунларда собик «Пахтакор»чи Вячеслав Солохо мураббийлик қилмоқда. Шуни си қизикки, Тошкентнинг «НВU-Осиё» жамоаси билан ўтказилган ўртоқлик учрашувда 3:2 ҳисобида галаба қозонган қозоғистонликлар таркибда Равшан Бозоров, Павел Кайгородов, Алексей Кликунов, Дмитрий Башкевич, Фарид Хабибулин сингари футболчиларимиз майдонга тушишган.

Тоғ байрами олдидан

Маълумки, 21-23 февраль кунлари Чимёнда спортнинг тоғ чанги тури бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамоати ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу мусобақадан ташқари киши спорт турлари иштиқоблари ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган «Кувно-стартер», «Параллел слалом» ва «Тунг слалом» сингари мусобақаларнинг гувоҳига айланмади. Шунингдек, мусобақалардан сўнг меҳмонлар ва иштирокчилар тоғ маҳди маданий ҳордик чиқариб, мириқиб дам олишлари, хонандалар Мансур Тошматов, Лариса Маскалёва, Қумуш Раззоқовалар ижросиди дилрабо қўшиқлардан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Ғолиблар тақдирланди

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қаршали милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ўртасида спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Нукус шаҳрида уюштирилган ушбу мурасасиз беллашувларда ғолиблик учун спортнинг 100 метрга югуриш, турикка тортилиш, арқон тортиш, автомат ва пистолетларни ажратиб йиғиш, армрестлинг, тош кўтариш, миллий кураш ва чавандозлик бўйича кураш олиб борилди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Кўнғирот тумани ички ишлар бўлими жамоаси аъзолари эгаллашган бўлса, иккинчи ўрин амударёликларга, учинчи ўрин таътақуирликларга насиб этди.

Мурасасиз баҳслар

Келажагимиз ворислари — ёш авлодни жисмонан етук, маънан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида ўрта махус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг учинчи босқичига Сурхондарё вилоятида ҳам старт берилди. Спортнинг 14 тури бўйича ғолиблик учун курашаётган жамоалар орасида биринчи ўринни Денов педагогика коллежи ёшлари эгаллашди. Ғолиб жамоага мурасадчиларнинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Ақбар Йўлдошев

• ТАНЛОВЛАР

Маҳаллам — фаҳрим

Маҳаллаларнинг маънавий тарбия ўчоғи сифатидаги мавқеини янада ошириш, ота-болаларимиздан мерос қолган кадрятларимизни, инсоний одат ва фазилатларни сақлаш ҳамда келажак авлодга етказиш давр талаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан ҳам шахримизнинг ҳар бир туманларида, маҳаллаларда «Обод маҳалла йили» муносабати билан турли хил тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар табииати муҳофаза қилиш қўмитасида туманлар ва шаҳар миқёсида уюштирилган «Маҳаллам — фаҳрим» кўрик-танлови Низоми-

нинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар табииати муҳофаза қилиш қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тош-

кент шаҳар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг 2002 йил 16 декабрдаги «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариш лозимлиги таъкидланди.

Икки босқичда ўтказилиши мўлжалланган ушбу танловнинг биринчи босқичи шахримиз туманларида 10 мартгача давом этди. Ғолиблар кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида қатнашадилар.

(Ўз мухбиримиз)

• ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Болалик, бу кўҳна оламнинг энг бегубор ва бокира палласидир. Болалар ўзларининг пок кўнглилари билан фақат эзгуликни, борлиқнинг гўзаллигини қанчалар теран англасалар, уларнинг тафаккури, онги шунчалар маънан бой ва ақлан юксак бўлиб бораверади.

Болаларимиз эзгуликдан баҳра олишсин

Ақмал Икромов туманидаги 186-болалар боғчасида янги технологиялар бўйича методик уюшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман худудидаги барча мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, методика бўлими бошлиқлари иштирок этишди.

186-болалар боғчаси мудираси Нурия Қўчқорова, услубчи Нафиса Гофуровалар «Болалик олами», «Эркинликни бер менга» мавзусида қизиқarli чиқишлар қилишди.

Туман халқ таълими бўлими услубчиси Шаҳзода Шукурова германиялик машур болалар руҳдониси Мария Мантедори услуби бўйича ишлар олиб борилаётганлигини ва бу янги услуб болалар онига ижобий таъсир қилишини мисоллар би-

лан тушунтириб берди ва халқ оғзак ижоди йўналиши бўйича олиб борилаётган ишларда: «Бўри кўзичокни еб кетди» қабиллида эмас, балки «Бўри кўзичок билан дўстлашди» дея ижобий яқунлини болалар онига эзгулик оламига томон туб бурилиш ясади» дея фикр билдирди.

Йиғилиш сўнггида боғча болаларига «Кичинтой» театри қизиқarli сахна кўринишларидан парчалар намойиш этди.

Болалар наслимиз давомчилари, кўзимиз нури, шундай экан, уларни гўзаллик, поклик, меҳр-муҳаббат билан тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, бола дунёни гўзаллик кўзлари билан кўрмоғи керак.

Гулчехра ДУРДИЕВА

• БУ АЖИБ ДУНЁ

ҚАЙСИ РАНГ СИЗГА ЁҚАДИ?

Ер юзиди турли рангдаги инсонлар бор. Кимлар европаликлар каби қоп-қора. Сизни қизиктириши табиий, инсонлар нега ҳар хил рангда?

Дунёда ҳар бир яратилган нарсанинг хикмати бор. Инсонларни турли рангда бўлишида ҳам ўзига яраша сир мавжуд. Тўқ (қора) ранг инсонни иссиқдан ва ортиқча қуёш нуридан сақлайди. Шунинг учунми, Экваторга яқин жойлашган инсонларнинг кўпчилиги қора рангда. Европа каби Экватордан узоқ жойда яшаётганлар қуёш нурига кам кўрганлиги сабабли, Д витаминини етарли миқдорда олишлари учун оқ қилиб яратилган. Кўпчилик қора инсонлар оқ танли бўлишни истаиди. Покистонда ҳатто оқ танли қизни тополмасдан уйланмай юрган йигитлар ҳам учрайди. Нима бўлганда ҳам бу дунё бир имтиҳон: кимдир оқ, кимдир қора қилиб яратилган.

ЧЕКИШНИНГ ИЛЛАТИ

Нидерландия илмий-тадқиқот институти чекувчи аёлларнинг умуман чекмайдиганларига қараганда фарзандлари икки маротаба кўпроқ йиғлашини аниқлади. Улар 3345 нафар бир ойликдан то олти ойликкача бўлган чақалоқлар ҳақида маълумотлар тўплади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, қашанда аёллар гўдаларининг 4,7 фоизи чекмайдиган аёлларнинг гўдагига нисбатан бир кунда икки соатдан кўпроқ йиғлар экан. Боланинг йиғлоқлиги чекувчи она томонидан ўтган руҳий омиллар сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Оқнор ХАЗРАТОВ тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудига божхона қонун-қоидаларини бузиб қонқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомобилларнинг воситаларининг кимосиди савдосини ўтказилиши ҳақида

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Енгил автотранспорт воситалари:

1. «Газ-2401» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А1 523, бошланғич нархи 280.000 сўм, техник носоз.
2. «Газ-31029» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А 37-41 бошланғич нархи 2.800.000 сўм, техник соз.
3. «Фольксваген» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 08-45, бошланғич нархи 1.800.000 сўм, техник носоз.
4. «Опель-Рекорд» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 H 16-72, бошланғич нархи 450.000 сўм, техник носоз.
5. «ДЭУ-Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 49-99, бошланғич нархи 4.800.000 сўм, техник носоз.
6. «ДЭУ-Тико» автомобили, бошланғич нархи 4.000.000 сўм, давлат рақами 10 O 89-73, техник носоз.
7. «Ваз-212130» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган,

Кимосиди савдоси (аукцион) 2003 йил 20 февраль куни соат 15.00 да Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими биносида ўтказилади. Кимосиди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш соат 12.00 га қадар давом этади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумотлар учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.**

Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳридаги 3-мактаб томонидан 2001 йилда Миржалалов Зафар номига берилган O'R-AN 1130612 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги 39-мактаб томонидан 1993 йилда Миржалалов Рискисноё Абдуқаримовна номига берилган № 276761 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усунлида босилди.
7587 нускада босилди. Кўнги биринчи А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Ғазета Ўзбекистон Димлат маъбулот қўмитасида 10-ўқимда билан рўйхатга олинган

Наширни етказиб бериши масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Ғазета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмоқсониси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.